

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ ШЕРЗОД БАҲРОМ ЎҒЛИ**

**ВАГОНЛАР ОҒИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНЛАРИ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Жумаев Шерзод Баҳром ўғли**

Вагонлар оқимини ташкил этишда ахборот технологиялари асосида  
транспорт жараёнлари технологиясини такомиллаштириш..... 3

**Жумаев Шерзод Баҳром угли**

Совершенствование технологии транспортных процессов в организации  
вагонопотоков на основе информационных технологий ..... 21

**Jumaev Sherzod Bahrom ugli**

The improvement of technology transport processes in the organization of  
wagon-flows based on information technology..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ ШЕРЗОД БАҲРОМ ЎҒЛИ**

**ВАГОНЛАР ОҒИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНЛАРИ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т1862 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Суюнбаев Шинполат Мансуралиевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Арпабеков Муратбек Ильясович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хаджимухаметова Матлуба Адиловна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.И. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Н.Н. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юк ташиш маршрутларининг энг яхши схемасини излаш ва юкларни етказиб беришнинг мумкин бўлган вариантларини техник-иқтисодий баҳолашда ахборот технологиялари ва инструментал воситаларни қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида темир йўл транспорти орқали юкларни етказиб бериш тезлиги 230-250 км/суткани ташкил этиши ва ушбу кўрсаткичнинг қиймати бошқа транспорт турларига нисбатан 1,5 баробар кичиклигига асосий сабаб вагонларнинг ортиш-тушириш, оралиқ ва техник станцияларда туриб қолиши билан боғлиқлигини ҳисобга олсак<sup>1</sup>, юкланган вагонларни ўз муддатида етказиб беришда вагонлар оқимини ташкил этиш транспорт жараёнларига ишончли ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан вагонларнинг туриб қолиш вақтини камайтириш бўйича тезкор қарор қабул қилиш имкониятини берадиган ахборот ва энергия-ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда вагонларнинг туриб қолишини камайтириш учун ресурстежамкор ахборот технологиялари ва инструментал воситаларни ишлаб чиқиш ва янги илмий-техник ечимларни амалга оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада етказиб бериш тезлигини ошириш мақсадида юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш, саралаш станцияларининг паркларига йўллардан самарали фойдаланиш, ўзгармас график бўйича ҳаракатланадиган юк поездларининг станциялардан жўнаш вақтини аниқлаш, поездларга йўл-йўлакай вагонларни бириктиришнинг мумкин бўлган вариантларини техник-иқтисодий баҳолаш, юк поездларининг ҳаракатини ташкил этиш бўйича тезкор режалаштиришни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш ҳамда улардан фойдаланишда ахборот технологияларини қўллаш ва йўриқномаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда юкларни етказиб беришда инсон омили ва энергия сарфини камайтириш, юкларни йўл давомида транспорт воситалари ҳаракатини тезкор режалаштиришнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва етказиб бериш занжирида ташиш харажатларини қисқартириш имконини берадиган ресурстежамкор усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳамда уларни модернизация қилиш бўйича

---

<sup>1</sup><https://studizba.com/lectures/106-transport/1394-obschij-kurs-transporta/25717-33-skorost-i-sroki-dostavki-gruzov-i-passazhirov.html>

мақсадли дастурларни амалга ошириш...”<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тегишли ходимларга юкланган вагонни хорижга жўнатишда унинг туриб қолиш вақтини камайтириш, поездларнинг белгиланган вақтда станциялардан жўнаб кетишини таъминлаш ва йўл-йўлакай поездларга вагонларни бириктиришнинг мумкин бўлган вариантларини баҳолаш бўйича тезкор қарор қабул қилиш имконини берадиган дастурий воситалар, математик модел ва усулларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни (1999 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширилишига оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармонлари, 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик”, ИТД-3 – “Энергетика, энергия, ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” каби устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ахборот технологиялари асосида вагонлар оқимини ташкил этиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларида, жумладан: Newcastle Centre for Railway Research University (Буюк Британия), University of Belgrade (Сербия), Beijing Jiaotong University (Хитой), Technische Universitat Carolo-Wilhelmina zu Braunschweig (Германия), Institute of Theoretical Computer Science (Швецария), Александр I номидаги Петербург давлат йўл алоқалари университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия), Белоруссия давлат транспорт университети (Белоруссия), Академик В. Лазарян номидаги

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Днепропетровск миллий темир йўл транспорти университети (Украина), Логистика ва транспорт академияси (Қозоғистон), Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Вагонлар оқимини ташкил этиш назариясини ишлаб чиқиш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан А.Ф. Бородин, В.И. Бобровский, А.Т. Осъминин, И.И. Осъминина, И.Н. Шапкин, А.В. Никитин, В.Н. Ковалев, Б.Б. Когут, М.И. Арпабеков, А.В. Харитонов, Г.И. Бухало, Е.Г. Димитрова, И.Я. Сковрон, Д.А. Сивицкий, Е.С. Колесникова, А.Ю. Папахов, М. Marinov, I. Belošević, M. Simonović, В.Н. Wang, J. Nong, R.S. Hansmann, R. Jacob, P. Marton ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юртимизда бир қатор олимлар юк поездлари ҳаракатини ўзгармас график асосида ташкил этиш, вагонлар оқимини ташкил этишни тезкор режалаштириш кўрсаткичларини яхшилаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борган. Жумладан Р.З. Нурмухамедов, С.М. Джумабаев, Э.Т. Туйчиев, К.Т. Худайберганов, А.А. Халиков, Н.М. Арипов, Н.Н. Ибрагимов, М.Х. Расулов, Т.Р. Нурмухамедов, Д.Х. Баратов, Ж.Ф. Курбанов, С.К. Худайберганов, Н.К. Турсунбаева, У.Н. Ибрагимов, Ш.М. Суюнбаев, Д.И. Илесалиев, М.А. Хаджимухаммедова, А.А. Светашев, Д.Б. Бутунов, М.Н. Машарипов, Ш.Ш. Камалетдинов ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар. Бироқ, ахборот технологиялари асосида юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш, вагонлар гуруҳининг узунлигига боғлиқ равишда саралаш йўлларининг минимал зарурий сонини аниқлаш, терма-участка поездларининг жўнатиш вақтини меъёрлаш, график вақтларига вагонларни бириктириш ва терма-участка поездлари ҳаракатини ташкил этишнинг тезкор режалаштириш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада бажарилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган 832-01/03/06/2020-сонли ““Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг темир йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси (2020 й.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда темир йўл транспортида вагонлар оқимини ташкил этиш транспорт жараёнлари технологиясини такомиллаштириш ва уни амалий қўллашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

темир йўл транспортида вагонлар оқимини ташкил этишнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

темир йўл станцияларида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий вагонларни жамлаш ва саралаш йўлларининг минимал зарурий сонини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш;

Ўзгармас ва ўзгарувчан график бўйича терма ва терма-участка поездлари ҳаракатини ташкил этишда жўнаш вақтларининг поезд таркиблари тузилишидаги фойдаланиш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

темир йўл участкаларида маҳаллий вагонларнинг туриб қолиш вақтини ҳисобга олган ҳолда вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

темир йўл участкасига хизмат кўрсатувчи терма, участка ва терма-участка поездлари ҳаракатини ташкил этишнинг тезкор режалаштириш технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида магистрал ва саноат темир йўл станциялари ҳамда маҳаллий вагонлар оқимида хизмат кўрсатувчи темир йўл участкалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида замонавий ахборот технологиялари асосида темир йўл станция ва участкаларида вагонлар оқимини самарали ташкил этиш ҳамда кўп гуруҳли поездлар ҳаракатини тезкор режалаштириш усуллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида эҳтимоллар назарияси, Фибоначчи сонлари, тизимли таҳлил, имитацион ва математик моделлаштириш, математик статистика, харажатлар ставкаси, Гаусс усуллари ва алгоритмлар назариясидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

манёвр рейсларининг рационал сони ва уларни бажариш кетма-кетлигини танлаш учун вагонларнинг таркибда жойлашишидаги мумкин бўлган комбинацияларни қайта ишлашга доир дастурий таъминот асосида юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш усули ишлаб чиқилган;

кўп гуруҳли поездларни тузишнинг энг яхши схемасини излаш мақсадида Фибоначчи сонларини қўллаган ҳолда вагонлар гуруҳининг узунлигига боғлиқ равишда саралаш йўлларининг минимал зарурий сонини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ўзгармас ва ўзгарувчан график шароитида вагонлар йиғилиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда терма ва терма-участка поездларининг жўнатиш вақтини белгилаш учун поезд таркиблари тузилишидаги фойдаланиш кўрсаткичлари аниқланган;

вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга қўшиб юборишнинг мумкин бўлган вариантларини техник-иқтисодий баҳолашга доир дастурий таъминот асосида вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик модели ишлаб чиқилган;

темир йўл участкасига хизмат кўрсатувчи турли поездларнинг фойдаланиш харажатларини таққослаш асосида терма, участка ва терма-участка поездлари ҳаракатини ташкил этишнинг тезкор режалаштириш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

магистрал ва саноат темир йўл станцияларида юк поездларини жўнатиш жадваллари, таркиб йиғилиш кўрсаткичларини баҳолаш ва манёвр рейсларини бажариш кетма-кетлигини танлаш алгоритмлари ва дастурий



мажмуалар кўринишидаги инструментал воситалари ишлаб чиқилган;

вагонлар оқимини ташкил этишнинг рационал варианты ва темир йўл участкаси графигига поездларни жойлаштириш схемасини танлаш учун терма, участка ва терма-участка поездлари ҳаракатини тезкор режалаштиришнинг автоматлаштирилган бошқариш тизими яратилган;

муайян станцияга тааллуқли бўлган манёвр ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида бажаришга доир ишлаб чиқилган зарурий қўшимча кўрсатмалар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл станцияларининг техникавий-бошқарув далолатномасини тузиш бўйича Йўриқнома”га киритилган (“ЎТЙ” АЖнинг 05.03.2021 йилдаги 239-Н-сонли буйруғи).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар ва қонунлар асосида назарий тадқиқотлар олиб борилганлиги, ишлаб чиқилган математик модел ва дастурлар асосида олинган таркибларни жамлаш, саралаш ва тузиш амалларига сарфланадиган вақтлар ҳисобий қийматларининг тажриба маълумотлари билан мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поезд таркибларини тузиш ва вагонларни юк объектлари бўйича жамлаш амаллари бажариладиган станцияларнинг қайта ишлаш қобилиятини ошириш, поездларнинг жўнаш вақтини белгилаш ва вагонларни график вақтларига бириктириш бўйича мақбул ечимларни ахборот технологиялари асосида излаш ҳисобига оралиқ ва саралаш станцияларида вагонларнинг меъёрдан ортиқ туриб қолишини камайтиришга хизмат қиладиган вагонлар оқимини ташкил этиш транспорт жараёнлари технологиясидаги илмий-назарий асослар, математик моделлар ва усуллар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темир йўл участкасида жойлашган станцияларга вагонларни ўз вақтида етказиб беришга хизмат қиладиган таркиб йиғилиши ва манёвр рейсларини бажариш бўйича мақбул фойдаланиш кўрсаткичларини излашнинг инструментал воситаларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Вагонлар оқимини самарали ташкил этиш ва темир йўл участкасига хизмат кўрсатувчи поездларни ҳаракат графигига жойлаштириш учун ишлаб чиқилган автоматлаштирилган бошқариш тизими муайян станцияга тааллуқли бўлган манёвр ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида бажаришга доир зарурий қўшимча кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда оралиқ станцияларига вагонларни бир маромда ва изчил етказиб беришни башоратлаш ва таҳлил қилишда кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вагонлар оқимини ташкил этишда ахборот технологиялари асосида транспорт жараёнлари технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш усули “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ темир йўл станцияларига вагонлар гуруҳини

белгиланган тартиб бўйича тузишда манёвр рейсларининг рационал сони ва уларни бажариш кетма-кетлигини танлаш учун жорий этилган (“ЎМК” АЖнинг 2021 йил 7 июндаги 01/06-01/04-384-сонли маълумотномаси). Натижада кўп гуруҳли поездларни тарқатиш учун сарфланадиган вақтни 17% га, станция юкланганлигини 6% га камайтиришга, ёқилғи сарфини ва вагонларнинг туриб қолиш вақтини минималлаштиришга, маҳаллий вагонларнинг айланмасини тезлаштиришга эришилган;

вагонлар гуруҳининг узунлигига боғлиқ равишда саралаш йўллариининг минимал зарурий сонини аниқлаш усули “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфига кирувчи “Чукурсой” станциясига кўп гуруҳли поездларни тузишнинг энг яхши схемасини излаш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2021 йил 3 июндаги 01/2330-21-сонли маълумотномаси). Натижада тепалик технологик цикли 12% га камайган, транзит қайта ишланадиган поезд таркибларини саралаш жараёнларига сарфланадиган вақт 5% га қисқарган ва саралаш тепалигининг қайта ишлаш қобилияти 14% га ошган;

вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик модели ва терма, участка ва терма-участка поездлари ҳаракатини ташкил этишнинг тезкор режалаштириш технологияси “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси”га вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга кўшиб юборишнинг мумкин бўлган вариантларини техник-иқтисодий баҳолаш ва темир йўл участкасига хизмат кўрсатувчи турли поездларнинг фойдаланиш харажатларини таққослаш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2021 йил 3 июндаги 01/2330-21-сонли маълумотномаси). Натижада ахборот технологиялари асосида вагонлар оқимини ташкил этиш бўйича тезкор қарор қабул қилиш, темир йўл участкасидаги оралиқ станцияларига вагонларни бир маромда ва изчил етказиб беришни башоратлаш ва таҳлил қилиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 1 та *Scopus* базасидаги илмий анжуманда, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 11 та мақола илмий журналларда, шу жумладан 1 та *Web Of Science* базасидаги илмий журналда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шулардан 1 таси хорижий ва 8 таси маҳаллий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 6 та дастурий таъминот учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланиб, унинг объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ахборот технологиялари асосида вагонлар оқимини ташкил этишга доир илмий ишлар таҳлили ва уларнинг ривожланиши”** деб номланган биринчи бобида ахборот технологиялари асосида вагонлар оқимини ташкил этиш самарадорлигини ошириш масалалари баён этилган, вагонлар оқимини ташкил этишнинг транспорт жараёнлари технологияларини такомиллаштиришга доир илмий ишлар таҳлили, темир йўл транспорти ишини тезкор режалаштиришда автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг ривожланиши ва **“ЎТЙ”** АЖнинг асосий станцияларида юк поездларини тузишнинг ҳозирги кундаги ҳолати тадқиқ қилинган.

**“ЎТЙ”** АЖда маҳаллий вагонлар оқими ҳаракатининг секинлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар Исикава схемаси асосида аниқланган бўлиб, улар 4 та гуруҳга (техник, технологик, табиий ва бошқарув) бирлаштирилган ва тизимлаштирилган. Натижада, технологик ва бошқарув билан боғлиқ омилларнинг маҳаллий вагонлар оқими ҳаракатининг секинлашишига таъсирини камайтиришга йўналтирилган усулларни замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда такомиллаштириш имкони мавжудлиги аниқланган.

**“ЎТЙ”** АЖ томонидан 2016/2017-2019/2020 йиллар учун ишлаб чиқилган поездлар тузиш режасидаги поезд манзиллари сони уларнинг турлари бўйича таҳлил қилинган (1-жадвал). Натижада, **“ЎТЙ”** АЖда сўнгги 5 йилда бир гуруҳли поездлар улушининг 93% га камайиши ҳисобига, кўп гуруҳли поездлар улуши 31% га ошиб бораётганлиги (шундан, 19% терма-участка поездлари улушига тўғри келиши) ҳамда вагонлар оқими ҳажмига боғлиқ равишда терма-участка поездлар ҳаракатини тезкор режалаштириш технологиясининг етарлича илмий асосланмаганлиги ҳақида хулоса қилинган. Булар, ўз навбатида, маҳаллий вагонлар оқимини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш илмий йўналишларини белгилаб олишни талаб қилган.

Темир йўл транспортида вагонлар оқимини ташкил этишда автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинган. Натижада, кўп гуруҳли поездларни тузиш ва улар ҳаракатини ташкил этишда транспорт жараёнларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш асосида темир йўл участкалари бўйлаб маҳаллий вагонлар ҳаракатини тезлаштириш тартибларини

белгилловчи алгоритм ва дастурий таъминотларни яратиш зарурати асосланган.

1-жадвал

Поезд манзиллари сонининг улар турлари бўйича таҳлили натижалари


Т/р	Поездлар таснифи	Поезд турлари	Йиллар кесимидаги поезд манзиллари сони				2016 йилга нисбатан 2020 йилдаги ўзгариш	
			2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	(+) ошиш	(-) камайиш
1	Бир гуруҳли поездлар	Ўткинчи поездлар	55	61	64	64	16%	-
2		Участка поездлар	8	7	9	7	-	13%
3		Жойидан жўнатиладиган маршрутлар	5	1	3	1	-	80%
4		Контейнерли поездлар	0	0	1	0	-	-
5		Маршрутли поездлар	10	3	8	10	-	-
<b>Жами</b>			<b>78</b>	<b>72</b>	<b>85</b>	<b>82</b>	<b>16%</b>	<b>93%</b>
6	Кўп гуруҳли поездлар	Терма поездлар	32	30	30	27	-	16%
7		Олиб чиқувчи поездлар	19	15	18	14	-	26%
8		Узатувчи поездлар	35	36	39	39	12%	-
9		Терма-участка поездлари	63	60	62	75	19%	-
<b>Жами</b>			<b>149</b>	<b>141</b>	<b>149</b>	<b>155</b>	<b>31%</b>	<b>42%</b>
<b>Умумий</b>			<b>227</b>	<b>213</b>	<b>234</b>	<b>237</b>	<b>25</b>	<b>15</b>

Мамлакатимизда ахборот технологияларини барча соҳага киритиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Жумладан, темир йўл транспортида ҳужжатлар айланишини автоматлаштиришга катта эътибор қаратилаётганлиги аниқланган. Натижада, “ЎТЙ” АЖда юкларни ташиш номутоносиблиги шароитида вагонлар оқимини самарали ташкил этиш бўйича комплекс ечимларни излаш йўналишлари белгилаб олинган.


Диссертациянинг “**Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда вагонлар оқимини ташкил этиш усуллари тадқиқ этиш ва амалий қўллаш**” деб номланган иккинчи бобида магистрал ва саноат темир йўл станцияларида вагонларнинг туриб қолиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган, кўп гуруҳли поездларни тарқатиш ва тузиш жараёнини оптималлаштиришга доир усуллари таққосланган, юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш ва вагонлар гуруҳининг узунлигига боғлиқ равишда саралаш йўллари минимал зарурий сонини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

“ЎТЙ” АЖнинг магистрал темир йўл станцияларида қайта ишланадиган транзит вагонларининг туриб қолиш кўрсаткичлари йиллар кесимида таҳлил қилинган. Натижада, магистрал темир йўл станцияларида қайта ишланадиган транзит вагонларнинг туриб қолиш вақт меъёрлари ортиб бораётганлиги

ҳамда саноат темир йўлларига эга бўлган станцияларда 2020 йилда маҳаллий вагонларнинг меъёрдан ортиқ туриб қолиш вақти 75% ни ташкил этганлиги аниқланган (1-2-расмлар).



1-расм. “ЎТЙ” АЖнинг магистрал темир йўл станцияларида қайта ишланадиган транзит вагонларининг ўртача туриб қолиш вақти



2-расм. Саноат темир йўлларига эга бўлган станцияларда маҳаллий вагонларнинг ўртача туриб қолиш вақти


Таҳлил қилинган кўрсаткичларнинг кутилган натижаларни бермаётганлигига асосий сабаблардан бири магистрал ва саноат темир йўл станцияларида вагонлар оқимини қайта ишлаш ва кўп гуруҳли юк поездларини ўрнатилган тартиб бўйича тузиш бўйича технологик амаллари тегишли ходимларнинг тажрибаси асосида амалга оширилиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Поездларни тарқатиш ва тузиш жараёнларини оптималлаштириш мақсадида “Ўзбекистон металлургия комбинати” Акционерлик жамияти (“ЎМК” АЖ) билан тузилган 832-01/03/06/2020-рақамли хўжалик шартномаси асосида “ЎМК” АЖнинг станцияларида манёвр рейсларининг рационал сони ва уларнинг бажарилиш кетма-кетлигини танлаш учун вагонларнинг таркибда жойлашишидаги мумкин бўлган комбинацияларни қайта ишлашга доир дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Дастурий таъминотнинг ишлаш алгоритми 3-расмда кўрсатилган. Мазкур дастурий таъминот асосида юк объектлари бўйича маҳаллий вагонларни жамлаш усули ишлаб чиқилган. Ушбу усулни “УМК” АЖ темир йўл станцияларига қўллаш натижасида кўп гуруҳли поездларни тарқатиш учун сарфланадиган вақтни 17% га, станция юкланганлигини 6% га камайтиришга, ёқилғи сарфини ва вагонларнинг туриб қолиш вақтини минималлаштиришга, маҳаллий вагонларнинг айланмасини тезлаштиришга эришилган


Диссертация ишида Фибоначчи сонлари асосида кўп гуруҳли поезд таркибидаги гуруҳлар сонининг саралаш йўлларининг минимал зарурий сонига боғлиқлиги аниқланган (4-расм). Ушбу боғлиқлик асосида тузилган схема станциялардаги тегишли ходимларга таркибдаги гуруҳлар сонидан келиб чиқиб, таркибни тузиш учун саралаш йўлларининг минимал зарурий сонини аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда поезд таркибларини тарқатиш нафақат бўш саралаш йўлларида, балки йўлларнинг бўш қисмларида ҳам бажарилади. Бу ўз

навбатида, поезд таркибини тарқатиш режалаштирилган йўлга вагонлар гуруҳини жойлаштириш имкониятини текширишни талаб этади.



3-расм. Вагонлар гуруҳини белгиланган тартиб бўйича тузишда маневр рейсларининг оптимал сони ва уларни бажариш кетма-кетлигини танлашга доир дастурнинг ишлаш алгоритми



4-расм. Кўп гуруҳли поезд таркибидаги гуруҳлар сонининг саралаш йўллари минимал зарурий сонига боғлиқлиги

Тадқиқот доирасида Фибоначчи сонларини қўллаган ҳолда вагонлар гуруҳининг узунлигига боғлиқ равишда саралаш йўллари минимал зарурий сонини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Ушбу усулда, станцияга олдинги қабул қилинган вагонлар гуруҳи саралаш парки йўлларида ўз манзиллари бўйича жойлаштирилади. Бунда ҳар бир саралаш йўлининг тўлдирилган қисми узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$L_{(i)тўлд} = \sum_{l=1}^j L_l^{узилиши} \quad (1)$$

бунда  $L_l^{узилиши}$  – саралаш тепалигидан туширилаётган вагонлар гуруҳи узунлиги, м.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш асосида битта йўналишдаги кўп гуруҳли поезд таркибида вагонлар гуруҳининг узунлигини Эрланг тақсимот қонуниятига бўйсунishi аниқланган.

$L_{(i)тўлд}$  нинг қиймати аниқланганидан сўнг  $L_{(i)тўлд} \geq L_{таркиб}$  (бунда  $L_{таркиб}$  поезд таркибининг меъёрий узунлиги, метр) шarti текширилади.

Ушбу шартнинг бажарилиши поезд таркиби узунлик меъёри бўйича тўлиқ йиғилганлигини, акс ҳолда ушбу йўлга навбатдаги вагонлар гуруҳини тушириш мумкинлигини билдиради.

Муайян йўлга вагонлар гуруҳини тушириш имконияти қуйидаги шарт асосида текширилади:

$$L_{(i)мўло} + \lambda_i \cdot L_i^{узланиш} \geq L_{таркиб} \quad (2)$$

бунда  $\lambda_i$  – тарқатилиш режалаштирилаётган таркибдаги вагонлар гуруҳи узунлигининг ихтисослаштирилган саралаш йўли узунлигига боғлиқлигини акс эттирувчи мантикий ўзгарувчи

$$\lambda_i = \begin{cases} 1, & \text{бўлса, ихтисослаштирилган йўлга} \\ & \text{вагонлар гуруҳи туширилади;} \\ 0, & \text{бўлса, вагонлар гуруҳи ўзига ихтисос –} \\ & \text{лаштирилмаган йўлга туширилади.} \end{cases} \quad (3)$$

Агар (2) шарт бажарилса, вагонлар гуруҳи узунлиги бўйича мазкур йўлга сиғишини билдиради, акс ҳолда уларни саралаш тепалигидан тушириш учун бошқа йўл ёки йўлнинг бўш қисмини кидириш талаб этилади.

“ЎТЙ” АЖнинг поездлар тузиш режасига мувофиқ “Чуқурсой” станцияси жами 17 та манзилга поездлар тузади. Шундан, 9 таси, яъни 53%ини кўп гуруҳли поездлар тарзида тузишга тўғри келади. Ишлаб чиқилган усулни “Чуқурсой” саралаш станциясига жорий этиш натижасида тепалик технологик цикли 12% га камайган, транзит қайта ишланадиган поезд таркибларини саралаш жараёнларига сарфланадиган вақт 5% га қисқарган ва саралаш тепалигининг қайта ишлаш қобилияти 14% га ошган.

Диссертациянинг **“Темир йўл участкаларида маҳаллий вагонлар оқимини ташкил этиш ва вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида темир йўл участкаларида маҳаллий вагонлар оқимини ташкил этишнинг замонавий технологиялари тадқиқ этилган, ўзгарувчан график шароитида таркиб йиғилиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва ўзгармас графикда юк поездларининг жўнатиш жадвалларини аниқлаш жараёнини автоматлаштиришга доир дастурий воситалар яратилган, вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Терма-участка поездлари ҳаракатини ўзгармас график бўйича ташкил этишда вагонлар оқими номутаносиблиги ҳисобига ушбу поезд жўнаши белгиланган вақтда етарлича вагонлар тўпланмаслиги ёки меъёрдан сезиларли даражада кўп вагонлар тўпланиши аниқланган. Бу, ўз навбатида, фойдаланиш кўрсаткичларига салбий таъсир этади ва уларни яхшилаш мақсадида ўзгармас график бўйича жўнатиладиган юк поезди таркибларидаги вагонларнинг меъерий сонини орттириб жўнатиш технологиясининг қўлланиш доираси тадқиқ этилган. Ўзгармас ва ўзгарувчан график шароитида вагонлар йиғилиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда терма ва терма-участка поездларининг жўнатиш вақтини белгилаш учун ушбу поезд таркиблари тузилишидаги кўрсаткичлар аниқланган.

Терма-участка поездларини тузиш жараёнини тезкор режалаштириш учун ушбу поезд таркибининг тўпланиш кўрсаткичларини аниқлашга доир алгоритм ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган. Темир йўл

участкаларида маҳаллий вагонларнинг туриб қолиш вақтини қисқартириш мақсадида вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга қўшиб юбориш технологияси тадқиқ этилган.

Гаусснинг “Чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш” усули ёрдамида белгиланган станциягача қўшиб юбориладиган вагонлар гуруҳининг юриш йўли вариантлари сони аниқланган. Натижада, темир йўл йўналишларидаги исталган станциялар сони учун етиб бориш станциясигача вагонлар гуруҳини қўшиб юбориш мумкин бўлган вариантлар сонини аниқлаш ифодаси олинган:

$$\sum P = \frac{4}{3} \cdot K^n - \frac{19}{2} \cdot K^{n-1} + \frac{151}{6} \cdot K^{n-2} - 22 \quad (4)$$

Тадқиқот доирасида вагонларнинг туриб қолиш вақти давомийлигини аниқлаш схемасидан фойдаланган ҳолда вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга қўшиб юборишнинг мумкин бўлган вариантларини техник-иқтисодий баҳолашга доир дастурий таъминот асосида вагонларни график вақтларига бириктиришнинг математик модели ишлаб чиқилган (5-расм). Бунда, вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга қўшиб юбориш ва темир йўл участкасининг ортиш-тушириш станцияларидан уларни олиб чиқишни оптималлаштириш масаласи функционал имкониятларни минималлаштириш асосида ҳал этилган:

$$\sum_i \sum_j \left[ \sum_k x_{ijk} \cdot t_{ms}^{ijk} \cdot m_{ij} \cdot e_{e-c} + y_{ik} \cdot \delta_{ik} \cdot (t_{ms,kj}^{ik} \cdot C_{отс} + C_{nm}) \right] \rightarrow \min \quad (5)$$

бунда  $i$  – вагонлар қўшилаётган станциянинг тартиб рақами;

$j$  –  $i$ -станцияга қўшиб юборишга тайёр бўлган вагонлар гуруҳининг рақами;

$k$  –  $i$ -станциясида вагонларни қўшиб юбориш учун тўхтатилиши кўзда тутилган поезднинг “график вақти” рақами;

$x_{ijk}$  –  $i$ -станциясида тузилган  $j$ -вагонлар гуруҳини  $k$ -поезд “график вақти”га қўшиб юбориш имкониятини акс эттирувчи мантиқий ўзгарувчи;

$t_{ms}^{ijk}$  –  $i$ -станциядаги вагонларнинг  $j$ -гуруҳини  $k$ -поездга қўшишдан олдин вагонларнинг туриб қолиш вақти давомийлиги, соат;

$m_{ij}$  – вагонлар  $j$ -гуруҳининг  $i$ -станциядаги сони, ваг.;

$e_{e-c}$  – бир вагон-соат харажат ставкаси, сўм;

$y_{ik}$  –  $i$ - станциядаги  $k$ -“график вақти”га вагонлар гуруҳини қўшиб юбориш имкониятини акс эттирувчи мантиқий ўзгарувчи;

$$y_{ik} = \begin{cases} 0, & \sum_i x_{ijk} = 0; \\ 1, & \sum_j x_{ijk} > 0; \end{cases} \quad \forall (i, k) \quad (6)$$


Ушбу чегарани қуйидагича ёзиш мумкин

$$\sum_i x_{ijk} \leq n \cdot y_{ik}, \quad j = 1, 2, 3, \dots, n \quad (7)$$

$\delta_{ik}$  –  $i$ - станциядаги  $k$ -поездга вагонлар гуруҳини қўшиб юбориш учун тўхтатиш имкониятини акс эттирувчи мантиқий ўзгарувчи;



$$\delta_{ik} = \begin{cases} 0, & \text{агар } k\text{-поезднинг } i\text{-станция бўйича} \\ & \text{техник тўхташи кўзда тутилган бўлса;} \\ 1, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (8)$$



5-расм. Вагонлар гуруҳини йўл-йўлакай поездларга улашгача бўлган даврда уларнинг туриб қолиш вақтини аниқлаш схемаси

$t_{me}^{ik}$  –  $i$ -станцияда  $k$ -поезднинг вагонларни қўшиб юбориш бўйича технологик амаллар остида туриш вақти, соат;

$C_{бмс}$  – участкадаги поездларнинг туриб қолиш вақти билан боғлиқ умумий харажатлар, сўм;

$C_{nm}$  – вагонлар қўшиб юборилиши кўзда тутилган станцияларда поезднинг тўхтаб-юриши билан боғлиқ умумий харажатлар, сўм;

Вагонлар гуруҳини темир йўл участкасининг ортиш-тушириш станцияларидан поездлар қайта ишланадиган станцияларга ташиш шартини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum_k x_{ijk} = 1, \quad \forall(i, j) \quad (9)$$

Қўшиб юборилиши кўзда тутилган вагонлар гуруҳи узунлигининг  $k$ -поезд таркибига сиғиши шартини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum_i \sum_j x_{ijk} \cdot m_{ij} \leq \Delta m_k, \quad \forall(k) \quad (10)$$


бунда  $\Delta m_k$  –  $k$ -поездга сиғиши мумкин бўлган вагонларнинг узунлиги, м.

